

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АҲМЕДОВ СОБИР НАЗАРҚОСИМОВИЧ**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ СЕМАНТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil77 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Холманова Зулҳумор Турдиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Каримов Суюн Амирович**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол. ф.д.

**А.Э.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
филол. ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида топонимик бирликларнинг тилшунослик, тарих, география, этнография масалаларига оид хусусиятлари тадқиқ этилмоқда. Ҳозирги кунга келиб муайян ареалга хос топонимик бирликларнинг барча турларини яхлит бир бутун тизим сифатида антропоцентрик, социолингвистик, семантик, номинацион-мотивацион, тарихий-этимологик жиҳатдан тадқиқ этишга талаб ортмоқда. Топонимларни лингвистик аспектда ўрганиш, лексик бирлик сифатидаги номлаш хусусиятларини таҳлил қилиш, ономастик бирликлар семантикасини ёритиш, тарихий, маданий, услубий семаларни тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида лингвистик, тарихий, географик топонимика, ареал лингвистикага оид изланишлар юзага келмоқда. Бугунги кунда ойконимлар, гидронимлар, оронимлар, агиотопонимлар ва некронимлар каби топонимик кўламнинг барча бирликларини янги лисоний парадигмалар асосида тадқиқ этиш кун тартибига қўйилди. Топонимларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, семантик хусусиятларини ўрганиш халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий тараққиёти ва такомилени ёритишда, номинатив, коммуникатив, аккумулятив функциялари моҳиятини ақс эттиришда аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда ўзбек тили топонимикаси анча ривожланган бўлса-да, республикамизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Жиззах вилояти микротопонимияси семантик жиҳатдан тадқиқ этилмаган. “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қуватлашимиз лозим”.<sup>1</sup> Бу, албатта, ўзбек тили топонимикасига ҳам тааллуқлидир. Бугунги кунда ўзбек топонимикаси олдига барча вилоятлар микротопонимиясини замонавий тилшунослик ютуқлари асосида тадқиқ этиш вазифаси қўйилмоқда. Топонимларнинг семантик хусусиятларини лисоний, тарихий, географик, этнологик, социолингвистик ёндашувлар уйғунлигида ўрганиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-2909-сон қарори, 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси талабларига мос равишда мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б 22.

жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар ўзбек топонимикасининг тараққиёти меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тизимлаштирилган<sup>2</sup>. Кейинги йилларда топонимларнинг тилшунослик, тарих, география фанлари нуктаи назаридан тадқиқи борасида бир қатор илмий ишлар амалга оширилди ва 20 дан ортиқ номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Уларда ўзбек ономастик терминлари, топонимлари лингвистик аспектда таҳлил этилди<sup>3</sup>. Шунингдек ўзбек этнотопонимлари ҳам атрофлича ўрганилди<sup>4</sup>. Натижада ўзбек топонимик лексикографияси ривожланди ва маълум ютуқларга эришилди<sup>5</sup>. Бадиий асар матнидаги ономастик бирликлар, топонимларнинг лингвистик хусусиятлари лингвокультурологик, поэтик жиҳатдан тадқиқ этилди<sup>6</sup>. Жумладан, кўҳна ва қадимий Жиззах вилояти топонимияси тадқиқи бўйича Б.Ўринбоев<sup>7</sup>, А.Зокиров, Қ.Ҳакимовларнинг тадқиқотлари яратилди.<sup>8</sup> Мазкур

<sup>2</sup> 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларининг номларини тартибга солиш тўғрисида”ги 203-сонли қарор; 1996 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонун; 2004 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларига ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарор; Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуни / Халқ сўзи, 2011, 13 октябрь, № 198. – Б.1.

<sup>3</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 85 б.; Нуриддинова Р.С. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили: Фил. фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2005; Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Фил.фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006; Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Тошкент: Фан, 2006; Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. – Самарқанд, 2011; Эназаров Т., Хусанова М., Есемуратов А. Ўзбек номшунослиги. – Тошкент: Наврўз, 2015.

<sup>4</sup> Отажоновна А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Фил. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 1997; Санакулов У. Топонимлар таркибида этнонимлар. – Тошкент: VOgis, 2016. – 124 б. Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Бегалиев Н. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд, 2011. – 128 б.; Туробов А. Самарқанд вилояти этноойконимларининг таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.; Бўриев С. Ургут тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 23 б.

<sup>5</sup> Ҳасанов Ҳ. География терминлари луғати. – Тошкент: Фан, 1964; Дўсимов З., Эгамова Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977; Қораев С., Ғуломов П., Раҳимбеков Р. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1979; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988; Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.

<sup>6</sup> Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Фил.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 1994. Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. II китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1997; Худойбердиева М. Бадиий асардаги топонимларнинг лингвистик хусусиятлари ва изоҳи масаласи (Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Ҳумоюн ва Акбар” романлари материаллари асосида). – Самарқанд: СамДУ, 2006.

<sup>7</sup> Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. – 54 б.; шу муаллиф. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли луғати. – Самарқанд, 1997. – 202 б.; шу муаллиф. Асрлардек барҳаёт номлар. – Самарқанд: Зарафшон, 2003. – 264 б.; шу муаллиф. Жиззах топонимлари таъбири. – Самарқанд, 2007. – 80 б.

<sup>8</sup> Закиров А. Топонимия Джизакской области Узбекской ССР: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1991; Ҳакимов Қ. Жиззах вилояти географик номлари. – Тошкент 2009; шу муаллиф. Жой номларининг

тадқиқотларда Жиззах вилояти топонимларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда географик хусусиятлари, маҳаллий географик терминлар ва этнонимларнинг ўрни ҳамда ҳудуд топонимиясини тартибга солишга доир муаммолар таҳлил қилинган, бироқ ҳудуд топонимиясининг семантик хусусиятлари, таснифи ва тавсифи монографик жиҳатдан тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Социолингвистик ва прагматингвистик, лингвокультурологик тадқиқот”лар мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Жиззах вилояти топонимларини лексик-семантик жиҳатдан таснифлаш, шу асосда лексик бирликларнинг номлаш хусусиятини ёритиш, топонимлар семантикасини таҳлил қилиш, маданий семаларнинг ифодаланиш даражасини аниқлаш, Жиззах вилояти топонимиясининг муштарак ва ўзига хос хусусиятларини белгилашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Жиззах вилояти топонимларини лексик-семантик таснифлаш ва тавсифлаш;

табiiй-географик топонимларнинг семантик таҳлилин амалга ошириш; ижтимоий-иқтисодий топонимларнинг семантик хусусиятларини ёритиш;

топонимларнинг номинацион-мотивацион ва этимологик таҳлилин амалга ошириш;

Жиззах вилояти топонимиясининг ўзига хос ва бошқа ҳудудлар билан муштарак жиҳатларини белгилаш.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот объектини мустакил изланишлар, диалектологик ва топонимик амалиёт жараёнида Жиззах вилоятининг Бахмал, Зомин, Ғаллаорол, Фориш туманларидан тўпланган 1000 дан ортиқ топонимлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Жиззах вилояти топонимларининг шаклланишидаги лисоний ва нолисоний омиллар, ижтимоий-иқтисодий ва табiiй-географик топонимларнинг семантик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда лисоний тавсифлаш, номинацион-мотивацион, семантик, луғавий-маъновий, қиёсий-тарихий, этимологик, моделлаштириш, ареал таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

топонимларнинг халқ тарихи, маданияти, ижтимоий муносабатларини ёритувчи лисоний бирлик сифатидаги семантик хусусиятлари очиб берилган;

топонимлар семантикасидаги маданий семалар аниқланган; топонимларнинг шаклланишида шахс омилининг ўрни аниқланган;

топонимлар учун мотив ҳисобланган ва луғавий асос қилиб олинган белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолат тушунчалари фактик материаллар асосида далилланган;

Жиззах микротопонимиясининг бошқа ареаллар билан умумий жиҳатлари ва ўзига хос фарқли хусусиятлари аниқланган.

Жиззах топонимларининг ўзига хос лексик-семантик, грамматик моделлари ишлаб чиқилиб, табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий топонимлар семантикаси асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагиларда акс этган:

ҳудуд микротопонимияси бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулосалар ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, топонимикаси учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили топонимикаси бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика, диалектология, топонимика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

топонимлар тадқиқи натижалари топонимика бўйича изоҳли, имло луғатлари яратилишида, ўзбек тили миллий корпусини шакллантиришда материал ва манба сифатида хизмат қилиши қайд этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили ва топонимик ареал табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертациянинг хулосалари ўзбек тили ономастикасини микро-топонимия ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитади, топонимик ареалдаги ижтимоий, лисоний, тарихий, географик ўзгаришларни кузатиш имконини беради. Диссертациянинг тадқиқ усулларида бошқа ҳудудлар топонимиясини илмий жиҳатдан ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги материаллар, натижа ва хулосаларнинг ўзбек топонимикасига оид дарслик ва қўлланмалар ёзишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ўзбекистон топонимикаси бўйича махсус курслар, шунингдек, география факультетларида “Топонимика ва географик терминшунослик” фанини, тарих факультетларида “Тарихий ўлкашунослик”, академик лицей ва мактабларда она тили дарсларида жой номларига доир мавзуларни, тарих, география фанларини ўқитишда, “Жиззах вилояти топонимларининг изоҳли луғати”ни тузишда манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиззах вилояти топонимларининг семантик хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

“Жиззах вилояти топонимларининг семантик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши илмий натижалари, илмий мақолалари, лексикографик манбалари ва улардаги фактик материаллардан ОТ-Ф6-062 рақамли “Орол ҳавзасида кечаётган гидрологик ва табиий географик

жараёнларнинг айрим қонуниятларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 октябрдаги 89-03-4037-сон маълумотномаси). Натижада ҳажм жиҳатидан кичик бўлган географик объект ҳамда рельеф номларини ҳам қайд этиш имконияти яратилган;

топонимларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, семантик хусусиятларини ўрганиш халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий тараққиёти ва такомилени ёритишда, тилнинг номинатив, коммуникатив, аккумулятив функциялари моҳиятини ақс эттиришдаги аҳамиятига доир, келтирилган мисоллар асосидаги илмий хулосалардан ИТД-А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015-2017) номли илмий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 89-03-2351-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоий асарларида келтирилган топонимлар, маъмурий-худудий бирликларга оид изоҳлар янада кенгайтирилган;

Жиззах вилояти топонимларининг лексик-семантик, табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий асослари ва хусусиятларига оид хулосалардан Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги топонимик комиссия томонидан вилоятдаги табиий-географик объектлар, хусусан, аҳоли манзиллари номини ўзгартириш, янгиларига ном бериш, тартибга солишда, тарихий номларни тиклашда, маҳалла номларини ўзгартиришда, ёзилишидаги имловий хатоларни бартараф этишда фойдаланилган (Жиззах вилоят ҳокимлигининг 2019 йил 11 июлдаги 05-156-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикасининг топонимик сиёсатини бажаришга, ҳудуд топонимикасида тарихий номларни тиклашга, туркий номлар миқдорининг ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 25 та республика, 3 та халқаро ва 3 та хорижий конференцияда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 5 та республика ҳамда 3 та хорижий журналда мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова тарзида берилган Жиззах вилояти топонимларининг умумий рўйхатидан иборат бўлиб, 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жиззах топонимлари тадқиқи ва тавсифи”га** бағишланган. Бугунги кунда илмий ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири ҳар бир туман, вилоят жой номларини қайта ўрганиб чиқиш, топонимларни тўплаш, тартиблаш, изоҳлаш, илмий тавсифлаш, миллий-маданий асосларини аниқлаш, луғатларини тузишдан иборатдир.

**1.1.Ўзбек топонимикаси тараққиёти ва такомилли.** Эътироф этиш жоизки, ўзбек тили ономастик терминлари, топонимлари лингвистик аспектда таҳлил этилган<sup>9</sup>. Айниқса, топонимлар география фани нуқтаи назаридан ҳам кенг ўрганилган<sup>10</sup>, луғатлар нашр этилган<sup>11</sup>. Топонимия тараққиётини тартибга солиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган<sup>12</sup>. Топонимлар географиянинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилган<sup>13</sup>, луғатлар нашр этилган<sup>14</sup>. Бадиий асар матнидаги ономастик терминлар, топонимларнинг лингвистик хусусиятлари ёритилган<sup>15</sup>.

---

<sup>9</sup> Нуритдинова Р.С. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили: Фил. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005; Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Фил. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006; Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Тошкент: Фан, 2006; Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. – Самарқанд, 2011; Эназаров Т., Хусанова М., Есемуратов А. Ўзбек номшунослиги. – Тошкент: Наврўз, 2015.

<sup>10</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – 193 б.; Mirakmalov M. Geografiyada toponimika. – Тошкент: Фан, 2009; Санакулов У. Топонимлар таркибидаги этнонимлар – Тошкент: Voris, 2016. – 124 б.

<sup>11</sup> Ҳасанов Ҳ. География терминлари луғати. – Тошкент: Фан, 1964; Дўсимов З., Эгамова Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977; С.Қораев, П.Ғуломов, Р.Раҳимбеков. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1979; Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988; Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.

<sup>12</sup> 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларининг номларини тартибга солиш тўғрисида”ги 203-сонли қарор; 1996 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонун; 2004 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларига ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарор; Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуни / Халқ сўзи, 2011, 13 октябрь, № 198. – Б.1.

<sup>13</sup> Mirakmalov M. Geografiyada toponimika. – Тошкент, 2009.

<sup>14</sup> Ҳасанов Ҳ. География терминлари луғати. – Тошкент: Фан, 1964; Дўсимов З., Эгамова Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977; С.Қораев, П.Ғуломов, Р.Раҳимбеков. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1979; Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988; Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.

<sup>15</sup> Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Фил. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1994; Н.Хусанов XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. I китоб – Тошкент: Ёзувчи, 1996; шу муаллиф. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. II китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1997; Худойбердиева М. Бадиий асардаги топонимларнинг лингвистик хусусиятлари ва изоҳи масаласи (Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Ҳумоюн ва Акбар” романлари материаллари асосида). – Самарқанд: СамДУ, 2006.



**1.2. Жиззах вилояти топонимларининг ўрганилиши.** Ҳозирги Жиззах вилояти худудидаги жой номлари ҳақидаги илк маълумотларни қадимги юнон ва араб солномачилари асарларидан топиш мумкин. “Дизак” атамаси асоси – “диз” сўзидир. Суғд тилида “диз” – “қалъа”, “қўрғон” маъносини англатади. Т. Нафасовнинг ёзишича, “диза” сўзига – к - қўшимчаси қўшилиб, *дизак (диз-а-к)* сўзи ясалган. Дизак – “кичик қалъа”, “қалъача”, “кичик қўрғон” ёки “қўрғонча” маъносини билдирган. Ўзбекча “қўрғон” сўзига форс-тожикча – “ак” қўшимчасини қўшиб, “қўрғонак” тарзида қўрғонча маъносини берувчи сўзлар ҳам юзага келган. Ўзбекистонда айнан, қўрғон, қўрғонча номи билан аталган жой номлари маълум даражада кенг тарқалган<sup>16</sup>. Ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятларнинг топонимлар шаклланишидаги ўрни ёритилган. Вилоят жой номлари тизимида маҳаллий географик терминларнинг ўрни ҳамда минтақа аҳоли пунктлари номларида этнонимларнинг акс этиш даражаси таҳлил қилинган<sup>17</sup>. Жиззах топонимиясида Зомин тумани топонимларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган<sup>18</sup>. Профессорлар Х. Дониёров ва Х. Жўраевлар Бахмал туманида яшовчи уруғ ва қабилалар шевасини ўрганиш жараёнида баъзи уруғлар, уларнинг яшаётган жойлари, этимологияси ҳақида ҳам маълумотлар беришган. А.Зокиров ўзининг Жиззах вилояти топонимиясининг лексик-семантик асослари, уларнинг этнолингвистик қатламлари ҳамда регион топонимларининг пайдо бўлишида атоқли отлар ва апеллятивларнинг лингвистик таҳлилига бағишланган илмий ишида этнотопонимларни қимматли лингвистик манба ҳисоблаб, уларнинг пайдо бўлишидаги лексик-семантик жиҳатларига асосий эътиборни қаратган<sup>19</sup>. Жой номларида тарих яширишини, айрим жой номлари табиат ҳодисаларининг, баъзилари элат ижтимоий турмушининг инъикоси сифатида дунёга келиши таъкидланган<sup>20</sup>.

**1.3. Жиззах топонимларининг умумий тавсифи.** Бобда Жиззах топонимларининг умумий тавсифи келтирилди ва қуйидаги хусусиятлар умумлаштирилди.

Жиззах вилояти топонимлари маҳаллий географик терминларига кўра, бошқа худудларга нисбатан оралиқ мавқени эгаллайди. Вилоятда туркий (ўзбекча, қозоқча, қирғизча) географик номлар билан бир каторда тожикча, қадимий туркий, шунингдек, арабча ва мўғулча лексик бирликлардан таркиб топган ер-сув номлари учрайди. “Зомин, Янгиобод, Бахмал туманлари аҳоли пунктлари номлари таркибида туркий топонимлар билан бирга қадимий суғдий ва эроний субстрат топонимлар ҳам учрайди. Ғаллаорол, Жиззах ва Фориш туманлари топонимияси таркибида этнотопонимлар ва жойнинг

<sup>16</sup> Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, Фан, 1985.

<sup>17</sup> Ҳакимов Қ. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фан...ном.. дисс.– Тошкент, 2010.

<sup>18</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: “Фан”, 1968; Буяков Ю.Ф., Грицина А.А. Древний Заамин. – Тошкент, “Фан”, 1994; Оға Бургутли. Кўҳна Зомин. – Тошкент: “Чўлпон”, 1996;

<sup>19</sup> Закиров А. Топонимия Джизакской области Узбекской ССР: автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1991.

<sup>20</sup> Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент: Академнашр, 2012.-Б.53.

географик хусусиятига кўра номланган географик объектлар кўпроқ. Вилоятнинг шимолий чўл минтақасидаги Пахтакор, Дўстлик, Зафаробод, Арнасой, Мирзачўл, Зарбдор туманларининг ойконимияси таркибида антропонимлар, агроонимлар ва деҳқончилик маданиятини акс эттирадиган номлар кўп миқдорни ташкил этади”<sup>21</sup>. Жиззах ҳудудидаги асосий топонимлар туркий (Бутака, Қовчин, Қипчоқ, Тойпоқсой, Сассиккўл), форс-тожикча (Сангзор, Пишовар), ҳамда мўғулча (Қоровул, Мўғул) асослардан шаклланган. айрим топонимлар гибрид шаклда ясалган т.+ф.-т.:Қоракамар; ар.+ф.-т.:Хайробод ва бошқалар.

Жиззах топонимиясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ўлкада бошқа ҳудудларда учрамайдиган маҳаллий географик терминлар – топонимлар шаклида учрайди. Жиззах вилоятининг бир қанча туманларида *танги* (тор дара), *газа* (тоғ чўққиси), *зов* (тик қоя), *қашқа* (йўл ўтган тепалик, тоғ суви), *тағоб* (такоб – сув ёқаси, ўзани, дара), *ақба* – *овга* (тоғ довони) каби географик атамалар фаол ишлатилади ва айни вақтда бу туманларда шу сўзлар асосида пайдо бўлган топонимлар учрайди. *Белчагач* пастроқ қир устидан – “белча”дан ўтган йўл, “довонча”; *жона* – қиялик, *жуна* – чўзинчоқ қир, *йулжуна* – “қир устидан ўтган йўл”, *зов* – тик қоя, *овга* (арабча *акба* сўзидан) – довонга кўтарилган йўл терминлари бир қанча топонимлар, жумладан, микротопонимлар ҳосил қилган.

Шу нарса эътиборга молики, юқорида қайд қилинган сўзларнинг кўпи қадимги туркий ёзма ёдгорликларда, хусусан, Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида ва Бобурнинг “Бобурнома”асарида учрайди. Бу атамалар XV – XVII асрларда кенг доирада ишлатилган. Бу ҳолат Жиззах топонимларининг қадимийлигидан далолат беради.

Жиззах ҳудудида топонимларнинг қўш ҳолда келиши кузатилади. Зомин туманида иккита Кутчи, иккита Тиғирик, Бахмал туманида учта Ўрай, учта Мўғул номли этноойконимлар бор. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг асосий сабаби ушбу этник гуруҳ вакиллари бутун уруғи билан эмас, балки нисбатан кичик бўлақларга бўлиниб, ўтроқ ҳолда яшагани билан изоҳланади.

Ҳ.Ҳасановнинг аниқлашича, “номларда “кўчиш” қонунияти ҳам бор. Довоннинг номи шу ердан бошланган сойга, қишлоқнинг номи тоққа, тоғнинг номи шаҳарга, шаҳарнинг номи эса вилоятга ўтади ва ҳоказо. Жиззах топонимиясининг муҳим хусусиятларидан бири бир неча турдаги топообъектларнинг бир хил номланишидир. Бунда икки хил ёндашишни кузатиш мумкин: 1) гидроним ойконимга кўчган ёки сув номи қишлоқ, шаҳар номига айланган. Сув қишлоқнинг муҳим белгиси вазифасини бажаради: Осмонсой – Осмонсой қишлоғи, Еттикечувсой – Еттикечув қишлоғи, Қорасой – Қорасой қишлоғи; 2) гидронимлар ойконим асосида номланган ёки қишлоқ, шаҳар номи сув номига асос бўлган. Бунда сувнинг жойлашиш ўрни дастлабки эътиборда бўлади. *Равот* қишлоғи – *Равотсой*, *Зомин*

---

<sup>21</sup>Ҳакимов Қ. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фан...ном.. дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 9.

шаҳарчаси – *Зоминсув* дарёси, *Учма* қишлоғи – *Учмасой*, *Ана-муна* қишлоғи – *Ана-мунасой* ва ҳоказо.

Жиззахда оронимлар, яъни тоғ-қир номларидан келиб чиққан ойконимлар ҳам мавжуд: *Молгузар*, *Қоратош*, *Етимтоғ*, *Оқтош*, *Ойқор*, *Кўйтош*, *Кўтал*. Аммо сув номлари асосида ойконимларнинг шаклланиши нисбатан кўп кузатилади. Кўпинча “оронимик ва гидронимик объектлар қишлоқларнинг пайдо бўлишида моддий асос бўлиб хизмат қилган, уларни номлашда эса асосий мўлжал, ориентир вазифасини бажарган. Шу сабабдан вилоятнинг тоғли ҳудудларида ороним ёки гидроним сифатида шаклланган номларнинг ойконимга ўтиши кўпроқ кузатилади. Бундай жой номлари таркибида *тош*, *тоғ*, *бел*, *довон*, *ағба*, *чақир*, *танги*, *сой*, *булоқ*, *чашма*, *қудуқ* каби географик терминлар кўп учрайди”<sup>22</sup>. Топонимика фанининг асосий қонунларидан бири микротопонимларнинг кейинчалик макротопонимларга айланиши ҳисобланади.

Жиззах топонимларининг асосий қисмини этнонимлардан шаклланган жой номлари ташкил этади. Жой номларида акс этган этнонимларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпинча қабила ёки уруғ номи, баъзан уларнинг атрофида жойлашган аҳолидан этнографик жиҳатлари билан фарқланган этнонимларнинг топонимларга айланиши кузатилди.

Топонимик материаллардан маълум бўлишича, минтақанинг табиий шароити, иқтисодий - ижтимоий кўрсаткичлари, этнографияси, географик терминлари, аҳолининг этник таркиби каби омиллар ойконимларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Масалан, вилоятнинг шимолий текислик қисмида Жиззах чўлини ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган ойконимлар асосан деҳқончилик маданияти билан боғлиқ. Чўлқувар, Пахтакор, Гулзор, Чаманзор, Навбахор, Янгидала, Бўстон каби қишлоқлар номи янги давр маҳсули ҳисобланади”<sup>23</sup>.

Жиззах топонимлари структур жиҳатдан хилма-хил.

Топонимлар, асосан, бошқа тил бирликлари каби муайян қолиплар асосида ҳосил бўлади. Шундай экан, Жиззах топонимлари таркибида анъанавий индикаторлар учрайди. Индикатор (топонимикада) – топонимларни ҳосил қилувчи маҳаллий географик терминлардир: *обод*, *қум*, *тепа*, *қўрғон*, *дарё*, *сув*, *кент* ва бошқалар.

- *чи*, - *ли* каби аффикслар ҳам топонимларга айланган этнонимлар таркибида учрайди. Масалан, *Болғали*, *Жағалбайли*, *Ойтамғали*, *Кўштамғали*, *Учтамғали*.

Кейинроқ пайдо бўлган аҳоли пунктини олдингисидан фарқлаш учун – *ча* қўшимчаси ҳам ишлатилган. Масалан, Ғаллаорол туманидаги Қўрғон қишлоғининг ёнида пайдо бўлган қишлоқ *Қўрғонча* деб аталган ва бу ўринда –*ча* қўшимчаси “кичрайтириш” билан бирга “иккинчи” маъносини англатади.

<sup>22</sup> Ҳақимов Қ. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фан...ном.. дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 9.

<sup>23</sup> Ҳақимов Қ. Кўрсатилган манба.– Б. 9.

Мустақилликдан кейин республиканинг турли жойларида бўлганидек, Жиззах топонимлари борасида ҳам асл номларни тиклаш масаласи кўйилди. “Рассвет”, “Ворашилов”, “Рокосовский”, “Малиновский”, “Млутенский” каби қатор номлар асл топонимлар билан алмаштирилди. Жой номларини тиклашда асл топонимни аниқлаш тамойилига амал қилинди: *Маданият – Булоқбошига, Янгиҳаёт – Гулбулоққа, Янгиқишлоқ – Қамишкўлга, Иттифоқ – Илонўтдига, Н.Соатов – Мирзо Улуғбекка* алмаштирилди. Жой номларини янгилашда аниқлик киритилди: *Қора – Қорақишлоққа, Ўрта – Ўртақишлоққа, Кўргон – Кўргонлига, Қудуқ – Қудуқлига* ўзгартирилди. Бир қатор топонимларга аниқлагичлар тиркалди: *Новқа – Қуйи Новқа, Ўрай – Ўрта Ўрай, Мўғол – Юқори Мўғол, Калтамой – Қуйи Калтамой*. Қайта ном беришда халқ қарашда салбий баҳоланган номлар қабила-уруғ номига алмаштирилди: *Жоманжар – Ўрай*. Баъзида бир топонимнинг шу ҳудудни бошқа жиҳатдан сифатловчи номга ўзгартирилганини кўриш мумкин: *Тенгали – Майдабулоқ*<sup>24</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида мингга яқин шаҳар, туман, қишлоқ, аҳоли пункти номлари тўпланди. Объект номларининг, семантик жиҳатдан аҳамиятли бўлганлари таҳлил доирасига тортилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ижтимоий-иқтисодий топонимларнинг семантик хусусиятлари”** тавсифига бағишланган. Илмий адабиётларда “олам модели” (модель мира), “дунё образи” (образ мира), “концептосфера” терминлари учрайди. Бу масала билан биринчилардан бўлиб шуғулланган тилшунос олимлар қаторида В. Гумбольдт, Э. Сепир, Б. Уорф, А. А. Потенбняларни қайд этиш мумкин. В. Гумбольдтнинг таъкидлашича, “тил инсон атрофида у бошқа доирага кира турибгина чиқа оладиган доира ҳосил қилади”. Олам манзараси инсон онгида унинг дунё билан мулоқоти жараёнида шаклланади ва унинг бутун фаолиятини қамраб олади<sup>25</sup>. Инсоннинг атроф-муҳит, макон билан мулоқоти, энг аввало, унинг яшаш муҳитига бўлган муносабатида намоён бўлади. Макон манзараси, тасвири киши онгида энг эътиборли нуқтада мужассамланган ҳолда намоён бўлади. Бу аҳамиятли нуқта муайян ҳудуднинг рельефи, шакли, географик таркиби, ранги каби хусусиятларидан иборат бўлади. Топонимлар халқ дунёқараши, маданий муносабатлари асосида шаклланади. Айрим топонимларнинг юзага келишида асосан халқ эътиқоди, дунёқараши ва маданий муносабатларини ифодаловчи бирликлар асос вазифасини ўтаган. “Ойконимларни тизимли тадқиқ қилиш, нафақат жой номларининг келиб чиқиши, балки ушбу ҳудудда яшовчи халқларнинг тили, тарихи, этнографияси, турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий кадриятлари, касб-кори каби бир қатор масалаларни ойдинлаштириш имконини беради”<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> Топонимларнинг ўзгариши ҳақидаги хулосалар географик объектларни инвентаризациядан ўтказиш бўйича тўпланган маълумотлар асосида берилди (Жиззах, 2013).

<sup>25</sup> Голембовская Н. Г. Лингвокультурные антиномии в русских и литовских паремиях. – Волгоград, 2014. – С.19-20.

<sup>26</sup> Ҳакимов Қ. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фан...ном.. дисс. Автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 2.

**2.1. Замон ва макон тушунчаси, йил фасллари ифодаловчи топонимлар.** Халқ маданияти, турмуш тарзида кўпинча замон, вақт тушунчаси, йил фасллари билан боғлиқ муносабатларни ифода этувчи birlikлар асосида топонимик атамалар шаклланган. Масалан, *куртик* – киш фаслида қаттиқ шамол таъсирида чуқурликларга, бурумларга уюлиб қолган қор. Бу қорлар қуёш нурида ҳам эримай, узоқ муддат сақланиб қолади. Ҳамма халқларда ҳам нарса-буюм, ёғиннинг майда қисмларигача ёки ёғин қолдиқларигача номлаши кузатилавермайди. *Куртик* – халқимизнинг воқеликка ўта синчковлик билан ёндашишидан далолатдир. Қор уюми атрофи ҳам *куртик* номи билан аталади. Бунда метонимия асосида маъно кўчиши юзага келган.

*Беткай* – қиялик бўлиб, соат кундузги 3-4 ларга қадар офтоб тушиб турадиган, молларни боқиш учун қулай жой. Бу тушунча чорвачилик турмуш тарзи билан боғлиқ. *Беткай* сўзи халқимизнинг киш фаслида ҳам чорванинг ғамини ейиши натижасида шаклланган тушунчалардан бири бўлиб, у "офтоб нури тушадиган", "очик", "хавф-хатардан холи", "ўт-ўланли" семаларини акс эттиради. Беткай сўзи қипчоқ шевалари вакиллари яшайдиган Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудларида ҳам ишлатилади. Худди шу маънога яқин, "қуёшнинг нури доимий равишда тушиб туриши натижасида қорлари кетиб қолган жойлар" маъносидаги *олақашат* сўзи фақат Жиззах вилояти ҳудудида яшовчи халқлар нутқида учрайди. *Беткай* топонимида "ҳудуд юзаси, кўринадиган томони" семаси устун бўлса, "*олақашат*"да "у ер бу ерда қор уюмларининг қолиши натижасидаги ола-була кўриниш" семаси дастлабки эътибордадир. *Чимилдиқсой* худди келинчакларнинг чимилдиғига ўхшайди. Шунинг учун ҳам бу сой Чимилдиқсой деб ном олган (Абдусаломов Абдумўмин, 64 ёш мучали: балиқ, уруғи: уйлукма, маълумоти: ҳисобчи бўлган, қишлоқ оқсоқоли)<sup>27</sup>.

**2.2. Этнотопонимларнинг семантик хусусиятлари.** Жиззах топонимиясининг характерли хусусиятларидан яна бири унда этнотопонимларнинг, яъни турли миллат, халқ, элат, қабила ва уруғ номи билан аталган топонимларнинг кенг тарқалганлигидир. Жиззах ҳудудида ўзбек уруғлари билан биргаликда қирғиз, қозоқ каби туркий халқлар ҳамда тожик халқига мансуб этник гуруҳлар яшаб келади. Шу сабабдан ҳам этник гуруҳлар номларига оид сўз ўша жойда қўлланган топонимларда ҳам ўз ифодасини топган: *Қозоқовул* (Пахтакор), *Тожикқишлоқ* (Бахмал), *Тожикмаҳалла* (Зомин). Вилоятнинг жанубий қисмида, яъни тоғли ҳудудларда жойлашган Бахмал, Ғаллаорол, Янгиобод ҳамда Зомин ва Фориш туманларининг топонимиясида этноойконимлар салмоғи катта. А. Зокиров этник гуруҳ вакиллари муқим (ўтроқ) яшаб қолган жойлар ҳам кейинчалик шу этник гуруҳлар номи билан аталган, деган хулосага келган<sup>28</sup>. Чўл ҳудудларида, яъни Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан ташкил этилган Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой, Зафаробод

<sup>27</sup> Ёзма манбаларда келтирилмаган топонимлар шу ҳудуд аҳолиси кўрсатмалари асосида изоҳланди.

<sup>28</sup> Закиров А. Топонимия Джизакской области Узбекской ССР : Автореферат дис. ... кандидата филологических наук – М., 1991.

туманлари топонимиясида этноойконимлар деярли учрамайди.<sup>29</sup> Буни этник номларнинг унутилиши ҳамда чўлни ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган аҳоли пунктлари номларининг давр талаби асосида қўйилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**2.3. Антропотопонимларнинг семантик хусусиятлари.** Минтақа жой номлари, хусусан, микротопонимлар ичида антропотопонимлар, яъни кишиларнинг исми, фамилиялари ҳамда лақаблари билан аталадиган топонимлар сон жиҳатидан этнотопонимлардан кейинги ўринда туради. “Шахслар номини жойларга қўйиш катта тарихий билимни талаб этиб, унда шахснинг келиб чиқиши, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий, моддий-маънавий, ҳарбий-сиёсий, жамият тараққиётида тутган ўрни, ақл-тафаккури, Ватан ва маҳаллий ҳудуд ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида ўрин тутади.<sup>30</sup> Жиззах топонимларининг антропонимлар билан номланишида ўзига хос ёндашув кузатилади. Жиззах ҳудудидаги бир қатор антропотопонимлар халқ эътирофи асосида шаклланган: *Ойсара, Искандартепа, Мирзатепа, Эшматтоғ, Эшматовул, Исматтоғ, Ражаб қайқи*. Топонимларнинг лақаблар асосида юзага келишини ҳам Жиззах топонимиясининг ўзига хос хусусияти сифатида баҳолаш мумкин.

**2.4. Шахс фаолияти билан боғлиқ топонимларнинг семантик таҳлили.** Айрим топонимлар шахс хатти-ҳаракати, фаолияти билан боғлиқ ҳолда номланган: *Ёмчи* (Фориш тумани), *Заргар* (Ғаллаорол тумани), *Қассоблик* (Жиззах шаҳри), *Совунгарлик* (Жиззах шаҳри), *Пахтакор* (Пахтакор тумани).

**2.5. Агиотопоним ва некронимларнинг семантик таҳлили.** Топонимларнинг маълум қисми авлиёлар, пирлар, машҳур афсонавий шахслар исмлари билан боғлиқ. *Мик, Тўртчория, Богмозор (ота), Ўсман ота, Новқа ота Новқа (Найқат), Турот бобо, Авлиё ота, Шаҳид ота ва бошқалар*. Баъзи топонимлар халқнинг диний қарашлари мазмунини тўғридан тўғри ифода этади. *Латтабанд* – (Латтаван) Бахмал тумани билан Булунғур туманлари ҳудудлари туташган жойдаги қишлоқ номи. Қишлоққа киришда катта бир дарахт бўлиб, одамлар дарахтга яхши ният тилаб, латта (қийқим) боғлашади. Дарахтда йиллар давомида латтадан банд қилинган. Шу туфайли ҳам ўша ерда жойлашган қишлоқ Латтабанд номи билан юритилади.

Урф-одат, анъана билан боғлиқ топонимлар: *Чилламозор, Оқсоқота, Сийпанчиқота, Ниёзбулоқ, Ўландаштим, Мойкўмгичсой, Тегирмон, Беишқўби қишлоғи, Увол қишлоғи*. Масалан, *Оқсоқота* – азиз жой бўлиб, авлиё номига қўйилган. Оёғи оқсоқ бўлиб қолган турли чорва моллари ёки одамларни олиб бориб зиёрат қилдирилса, бу дарддан халос бўлишига асосланиб, Оқсоқота деб номланган. Халқда жой номига асос бўлган авлиёнинг ҳам оқсоқ бўлгани, шу боис “Оқсоқота” деб номланиши ҳақидаги қараш мавжуд. Аслида, топоним метонимия асосидаги маъно кўчишидан ҳосил бўлган, яъни

<sup>29</sup> Ҳақимов Қ. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фан...ном.. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 14.

<sup>30</sup> Ҳақимов Қ. Кўрсатилган манба. – Б. 25

оқсоқлик иллатидан шу жойнинг мўъжизаси сабаб халос бўлиш ишончи асосида шундай ном қўйилган. Топонимга тана нуқсони номи асос бўлган.

